

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 35 (66010)
1997 йил, 14 май, чоршанба

Сотувда эркин
наرخда

Бизнинг синфимиз тоту-
лиги ва иноқлиги билан мак-
табдаги бошқа синфлардан
ажралиб туради. Биз, синф-
дошлар, бир-биримиз билан
ниҳоятда аҳилмиз. Мабодо
бирортамиз дарсларга тушун-
магудек бўлсак, барчамиз ба-
раварига унга ёрдам қилини
чўзамиз. Узим ёшлигимда-
ноқ шеърга, адабиётга қизи-
қаман. Шеърлар ёзиб тура-

яхшилик ва эзгуликдир. Шу-
нинг учун қўлларингиздан кел-
ганча бир-бирингизга яхшилик
қилинглр. Чунки яхшилик-
нинг албатта жавоби бўлади»,
— дейдилар.

Яқинда бир воқеа бўлиб
утди. Мен бу ҳақда ҳали ҳеч
кимга айтмаганман. Шунини
сизга айтишни лозим топдим. Бир
куни мактабдан қайтаётиб, йўл
четида йиглаб турган қизчага

гансан-ку, кечирим сўрасанг,
тушунишди.

— Йўқ, атай қилгансан,
деб айтишди. Кечирин-
майди, кечқурун дадам-
га айтиб, калтаклатишди.

— Ойижонинг-а, наҳот-
ки сени шунчалар ёмон
курсалар-а?

— Узимнинг ойижоним
улиб қолганлар. Кейин да-
дам бошқа ойи олиб кел-

Муносабат

гиз нима, опажон», — деб
суради. Мен қизчани кузатиб
қайтар эканман, руҳимда ажиб
бир бахтиёрлик туйдим. Қу-
лоқларим остида ҳамон қизча-
нинг — Исмингиз нима, опажон,
— деган миннатдор ово-
зи жаранглрди. Мен ҳам шу
қўлда яхшиликка исм излар-
дим...

Мен юқорида сизга шеър-
лар машқ қиламан, деган
эдим, шу машқларимдан би-
ри булган ушбу туртликни
эътиборингизга ҳавола қил-
моқчиман:

Ёмонни ҳамроҳ қўлма

йўлингга,

Улар олиб борар сени

ўлимга.

Ғариб ночорларга яхшилик

қилгин,

Оллоҳ ризқ-насиба берар

қўлингга.

Турсуной

ЖУМАНИЁЗОВА,

Қорақалпоғистон

Республикаси, Тўрткўл

туманидаги 26-ўрта

мактабнинг 11-синф

ўқувчиси.



ҒАЛАБА ҚУНИ НИШОНЛАНДИ

Утган жума мамлакатимизда
яна бир муборак айём — Ғалаба
байрами кенг нишонланди. Шу
муносабат билан давлатимиз раҳ-
бари, Президент Ислам Каримов
иккинчи жаҳон уруши фах-
рийларидан бир гуруҳини қа-
бул қилди. Юртбошимиз дие-
римизда амалга оширилаётган
«Соғлом авлод учун» дастури
Сиз болажонларимизни ҳам жис-
монан, ҳам маънан баркамол ки-
шилар қилиб тарбиялашни куз-
да тутиши, ёшларни ҳаётга тайёр-
лаш борасида фахрийларимиз
катта ишларни қилишлари мум-
кинлиги ҳақида алоҳида уқтир-
ди. Айни чоғда Сизу бизнинг
бутунги фаровон ҳаётимиз, бах-
тли болалигимиз учун жонини
аямай Ватанини ҳимоя қилган
уруш қатнашчилари ҳурматини
жойига қўйиш, уларни эъзо-
лаш биз ёшларнинг муҳим вази-
фамиз эканини ҳам унутмасли-
гимиз керак.

ЭРТАМИЗ ТАҚДИРИНИ ЎЙЛАБ

Қуни кеча Тошкентдаги «Ин-
терконтинентал» меҳмонхонаси-
да «Давлат, жамият, оила ва ёш-
лар тарбияси муаммолари» мав-
зuida республика конференция-
си бўлиб ўтди. Унинг иштирок-
чиларига йўллаган табриғида
юртбошимиз шундай фикрлар-
ни билдирган: «Халқимиз фар-
зандлари ниҳоятда истеъдодли,
ақлу заковат бобида ҳеч қимдан
қолишмайди. Уларнинг томи-
рида инсоният тафаккури камо-
лига улкан ҳисса қўшган Имом
Бухорий, Абу Райҳон Беруний,
Абу Али ибн Сино, Улугбек
Мирзо, Алишер Навоий, Бобур
Мирзо каби буюк боболаримиз-
нинг қони жўш урмоқда. Улар-
нинг иқтидорини кадрлаш,
имкониятларини тулиқ юзага чи-
қариш, Ватанинг мард ва фи-
дойи фарзандлари этиб тарбия-
лаш учун шарт-шароит яратиб
бериш, эзгу ва улут мақсадларга
йўналтириш ҳар биримизнинг
шарафли бурчимиздир». Шу
уринда ҳам Президентимиз Сиз-
дек азиз уғил-қизларининг эрта-
си тақдирини уйлаетгани сези-
либ турибди.

ЎЗБЕК ҚОВУНИ— АМЕРИКАДА

Асли ҳаммасига утган йи-
ли Тошкент бозоридаги Мир-
зачўлда етиштирилган қовун-
лардан харид қилиб, таъмига
қойил қолган америкалик тал-
биркорлар сабабчи бўлишди.
Уларнинг таклифи билан гу-
листонлик Исмаил Анорбоев
бир қоп қовун уруғи, уч на-
фар шериги ва кетмони билан
Америкага йўл олди. Яқинда
Исмаил Анорбоев океан ортидан
уйга қўнгирок қилди: эккан
уруғлари бир текис униб
чиқибди. Ҳадемай биринчи
чопиқ бошланар экан. Энди
ўзбек қовунларининг донги
Америкада ҳам тараладиган
бўлди.



ман. Ёзган шеърларимни син-
фдошларимга ўқиб бераман.
— Ва улар билан бирга муҳокама
қиламиз. Тил ва адабиёт ўқи-
тувчимиз Шоир ака эса биз
тушунмаган ҳар бир мавзуга
алоҳида ёндошадилар. Айниқ-
са, улар шеър ёзишнинг йўл-
йўриқлари ҳақида, шеър ҳақи-
да бизга соатлаб тушунтиради-
лар. Кейин улар бизга эзгу
хислатлар ҳақида сўзлар экан-
лар: «дунёни ҳар қандай ҳало-
катдан асраб қолувчи куч бу-

қузим тушди. Унинг ёнида ик-
ки литрлик ёғ идиши синиб
ётар, шиша синиқлари аралаш
ёғ тўкилган ер қуёшда ялтирар-
ди. Мен бу воқеани тушунган-
дек бўлдим. Шунга қарамас-
дан қизчадан сўрадим:

— Нега йиглаёсан?

У эса муштчалари билан йи-
гидан қизарган кузларини ар-
тар экан, ҳиқиллаб туриб: «Ўл-
дим, энди ойим уйга кирит-
майди», — деб жавоб берди.

— Ахир сен атай синдирма-

ганлар.

Қизчанинг сўзларини
тинглар эканман, эзилиб
кетдим ва уни юпатдим.

— Йиглама, ҳаммаси яхши
бўлади, ўзим сенга ёрдам бе-
раман, — дедим-да уни уйга
бошлаб келдим. Ва қизчани-
нг қўлларига ёғ тула идишни
тутқаздим. Қизча азбаройи
севинганидан қандай миннат-
дорчилик билдиришни бил-
масди. У қайта-қайта раҳмат
айтаркан, кетаётди «исмин-

МУАЛЛИМГА ХАТ

Сизни ҳеч кимга бергимиз
келмайди, Шоира опа...

Катта синфлардаги таниш-
ларимиз «Сизларни янаги йил
бошқа муаллимлар ўқитади,
Шоира опаларинг биринчи-
ларни олади», — дейишди. Биз-
га алам қилиб кетди. Сизни
ҳеч кимга бергимиз келмайди.
Ахир, биз Сизни жуда яхши
курамиз-ку...

Ёсингиздами, биринчи син-
фдалигимизда катта танаф-
фусда чой қайнатиб берар-
дингиз. Нонларимизни чир-
ройли кесиб, юзига мураббо
суртардингиз. Қиш пайтлари
қизлар сочимизга лента тақ-
май қалпоқ кийиб келсак, да-
рс бошлангунча сочларимиз-
ни тараб, ленталаримизни та-
қиб қўярдингиз.

Айниқса, байрамларимиз
зўр утарди. Сиз ҳеч кимга ҳеч
нарсаси бўлмасдингиз, «ким
нима хоҳласа, пишириб кел-
син, ҳеч нарсаси олиб келмас-
ларинг ҳам майли», — дер
эдингиз. Саккизинчи мартда
ҳам «Ойиларингизни қийна-
нглр, ҳар битанг уша қуни
бештадан беш олсаларинг,
менга энг зўр совға — уша»,
— дер эдингиз...

Шоира опа, қўғирчоқ теат-
рига, циркка, неча-неча мар-
талаб бизни сайру саҳнатлар-

га олиб бордингиз...

...Энди бўлса Сиз билан хайр-
лашар эканмиз. Каникул яқин-
лашган сайин йиглагимиз кел-
япти... Ростдан ҳам, Биринчи
сентябрда Сиз синфимизга ян-
ги биринчиларни етаклаб ки-
расизми? Уларни ҳам асалим,
шакарим дейсизми?

Барибир Сиз улардан олдин
бизникисиз. Биз сизни ҳамма-
ҳаммадан кўпроқ севамиз. Бар-
ча байрамларда биз Сизга гул-
лар келтираверамиз...

Мирзо Улугбек туманидаги Со-
диқ Азимов номли 64-ўрта мак-
таб 4-синф ўқувчилари номидан

Орзу АЪЗАМОВА.



Фахрийлар — фахримиз

Биз, фаргоналиклар, азалдан тарих ва маданиятга қизиқувчан халқмиз. Шунинг учун булса керак, қадим аждодларимиздан ёдгорлик бўлиб қолган гузал обидаларимизни куриш, зиёрат қилиш, уларни ургаништириш бизга ҳеч тинчлик бермай келади. Бу истагимизни адабиёт уқитувчимизга айтган

би буюк боболаримиздан, уларнинг шавкатли тарихидан афсоналар сўйлагувчи обидаларимизни кўра эканмиз, боболаримиз Соҳибқирон Амир Темур, Мирзо Улуғбекларнинг табаррук нафасларини туйгандек бўлдик. Улуғбек мадрасасига кирганимизда, беихтиёр куз унгимизда Улуғ-

ЭХТИРОМ

эдик, у киши бизга бажонидил ердам беришларини айтдилар. Ва туман халқ таълими бўлимининг ташаббуси билан бир гуруҳ уқувчилар Самарқанд саёҳатига йўл олдик. Қадимий ва гузал шаҳар бўлиши Самарқанд узининг бой маданий мероси ва тарихий обидалари билан ҳар доим бизни узиға мафтун этиб келарди. Шунинг учун биз бу саёҳатдан олам-олам таассуротлар олдик. Неча асрлар муқаддам барпо этилган обидалар, бир-бирини такрорламайдиган меъморчилик санъати-намуналари курганларнинг ҳайрон қилиши табиийдир. Самарқанд тарихини бутун дунёга машҳур қилган Шохизинда, Гури Амир, Бибиҳоним, Улуғбек мадрасаси ка-

бек ҳазратларининг мунаввар сиймолари намоён бўлгандек бўлди. Кўнглимиз ёришиб кетди. Бибиҳоним жоме масжидини тавоф қилар эканмиз, ҳаёлан Бибиҳонимнинг нурли, покиза чеҳраларини кургандек, ҳис қилгандек, у кишининг нурафшон жамолларидан чексиз маънавий куч, мадад олгандек бўлдик. Биз курган меъморий ёдгорликлар ичида айниқса Гури Амир масжиди кучли таассурот қолдирди. Мақбаранинг нақшинкор тилла суви югуртирилган зарҳал деворлари кечкурунлари чироқ ёруғида ажиб бир мўъжизавий маъно касб этар экан. Гури Амирнинг 64 қиррали нақшинкор гумбази шу қадар улугвор, шу қадар салобат-

Юрган — дарё

лики, беихтиёр юрагингизда мозий садоларини, қиличлар жарангини, муаззинларнинг муаззам азонларини-ю хилхоналарда ётган паҳлавон шахзодаларнинг фарёдларини туюсиз. Куз олдингизда мозий тиклангандек бўлади. Биз гузал ҳистуйгулар оғушида қадим Самарқанднинг муътабар ва улугвор обидаларини зиёрат қилар эканмиз, қалбимизда шундай бетакрор мўъжизаларни яратиб, уни биз учун бебаҳо мерос қилиб қолдириб кетган буюк бобо-ю бобкалонларимизга нисбатан чексиз эҳтиром туйғуларни жўш урди. Руҳиятимиз иқлимлари ёришиб, кўнглимиз бегубор тонг ҳавосидек мусаффо бўлиб, бир олам тиниқ тасаввурлар билан Фарғонага қайтдик.

Маъфура ЭРКАБОВЕВА,
Фарғона вилояти,
Бешарик туманидаги
Алишер Навоий номи
мактабнинг
11-синф ўқувчиси.

Ибрат

КҮЙЛАГИНГИЗ МУНЧА ЧИРОЙЛИ

—Мунча чиройли тикилибди-я, атлас кўйлагингиз, — деди мактабдоши Гузалоёга. — Айниқса, мана бу каштаси жисмингизга жуда мос экан.

— Биринчи тиккан кўйлагим. Унинг каштасини ҳам ўзим тикдим, — қувониб жавоб берди Гузалоё. — Сиз ҳам юринг мен билан, тугарагимизга олиб бораман. У ерда каштачилик, зардузликни урганиб оласиз. Узингизга ҳам кўйлак тикасиз.

Мактабдош дугоналар Фарғона вилояти, Фарғона туманидаги М. Юнусова номи 39-мактабнинг 7-«В» синфида аъло баҳоларга ўқишади. Шу билан бирга Гузалоё Муқимжоновна «Ёш техниклар маркази» қошидаги каштачилик тугарагининг энг фаол аъзоси. У устози тугарак раҳбари, Мақсудахон Дадабоевадан олган билимларини ўз дугоналарига ургатишдан сира чарчамайди, зерикмайди ҳам. Гузалоё тиккан каштанинг сержилолиги барчани қизиқтираяпти. Шунинг учун ҳам у туман, вилоят, республика танловларида иштирок этиб, фахрли уринларни қўлга киритди.

Гузалоё хунар урганаётган «Ёш техниклар маркази»да бугунги кунда 12 номдаги 19 та тугарак фаолият курсатапти.

— Бекорчилик энг ёмон иллат, — дейди марказ директори, олий тоифали физика фани ўқитувчиси, халқ таълими аълочиси Толибжон ака Орипов. — Вақт кутиб турмайди. Ёшликдаги билим, хунар бир умрга ҳамроҳдир. Агар ўзбек қизи тиккан либослар дунё кезса, ўзбек ўғлони ўз қўли билан

ракета ясаб, самолёт учирса, янги бинолар лойиҳасини чизиб, шу асосда янгилик сари интилса, қандай яхши...!

«Кўйлагингиз мунча чиройли, дедингиз Гузалоёнинг дугонаси. Сиз ҳам ундан урганинг, унданда чиройлироқ либослар тикинг. Ана шунда дугоналарингиз сизга ҳам ҳавас қилиб, кўйлагингизга

тикилади, сиздек хунар урганишга интилади.

Феруза ОРИПОВА.
СУРАТДА: Гузалоё
Муқимжоновна марказ
директори Толибжон
Орипов билан.
Сураткаш
Р.АЛЬБЕКОВ.



ПОЛАПОННИ ҚУТҚАРДИМ

Баҳор кунларининг бири эди. Бетоблигим сабабли мактабга бормай қолдим. Уйдагиларнинг ҳаммаси ишга, ўқишга кетгандан сўнг, ўрнимдан секин туриб, ҳовлини айлана бошладим. Баҳор қўши остида кўкараётган майсалар, эндигина гулга кирган бодом шохлари, ариқчадан жилдираб оқаётган сув, ҳамма-ҳаммаси менга хуш ёкарди. Қўшларнинг вижир-вижиридан руҳим енгил тортарди. Шу пайт қўшнинг томидан пастга сакраган қора мушук мени қўчитиб юборди. Бирдан ҳушёр тортдим. Мушук ниманидир тишлаб олган эди. Дикқат билан разм солдим. У кичкина чумчуқ боласи экан. Шошилиб мушукнинг орқасидан чопмоқчи бўлдим. Аммо дармонсизлигим сабаб, улгуролмай қолдим. Мендан қўчиган мушун қўшнинг баланд деворига сакрамоқчи бўлди. Қайтиб сакради-ю, оғзидаги ўлжаси ерга «тап» этиб тушди. Худди шундай пойлаб тургандек, она чумчуқ ўлдек учиб келиб, полапонни тепасида парвона бўлди. Тугриси,

нима қилишни билмай қолдим. Борай десам, она чумчуқ учиб кетади. Бормай десам, боласи азоб чекапти. Нима булса булар, дедиму, чумчуқчани қўлимга олдим. Унинг бир оёғи мушукнинг тишлари зарбидан пилиниб қонаб кетган эди. Мен уни қафтимда кўтариб уйга олиб кирдим-да, керакли дори дармонларни қилиб, яна секингина аввалги жойига келтириб қўйдим.

Жажжи чумчуқча боши устида ҳамон гир айланаётган онаси томон интилди. Ва онаси кумагида учиб кетди.

Учиб кетар экан: «Раҳмат, сенга, сен ҳам тезроқ тузалиб кетгин», — дейётгандек бўлди. Негадир қўшча учиб кетгандан кейин узимни жуда енгил ҳис қилдим.

Робия ХАЙРУЛЛАЕВА,
Бухоро вилояти, Гиждувон туманидаги
Садриддин Айний номидаги
3-мактабнинг 8-синф ўқувчиси.

ИҚТИСОД ЧОРРАҲАСИ

Азиз болажонлар!

Мустақиллигимиз кундан-кунга мустаҳкамланиб, келажак сари дадил одим оتماқда. Иқтисодий ҳаётимизда бирор янгилик юз бермаётган куннинг ўзи йўқ. Бир пайтлар ахборот тақчиллигидан қийналган бўлсак, бутун уларнинг қўлиги ва хилма-хиллигига гувоҳ бўлиб турибмиз. Аммо улардан огоҳимизми? Огоҳлик туррисида Навоий бобомиз нима деганларини биласиз-ку:

«Эурсен ШОҲ агар

ОГОҲСЕН сен,

Агар ОГОҲСЕН сен,

ШОҲСЕН сен!»

Бу хабарлар орасида, айниқса иқтисодий ҳаётимизга доир хабарлар муҳим урин тутади. Негадесангиз, мақолларимиздан бирида айтилганидек: **БУШ ҚОП ТИК ТУР-МАЙДИ!** Турмушимизнинг

фаровонлиги иқтисодга боғлиқ. Қандай турда ва шаклда бўлишидан қатъи назар, корхона яхши ишласа ва даромад топса, бундай корхона **ДАВЛАТ СОЛИҒИ** тулаш имкониятига эга бўлади. Демак, бундай корхона нафақат ўз жамоаси учун, сизу биздек фуқаролар учун ҳам фойда, Негаки, бизлар, болалар, кўп болали оналар, беморлар, нафақахўрлар ва бошқа жуда кўплаб фуқароларимиз **ДАВЛАТ СОЛИҒИДАН** йиғиладиган **БЮДЖЕТ**, яъни **ХАЗИНА** ҳисобига яшаймиз. Давлатнинг энг катта бойлиги унинг **ХАЛҚИ** бўлса, ушбу халқнинг фаровонлигини таъминловчи манба — **СОЛИҚЛАР**дир.

«ИҚТИСОД ЧОРРАҲАСИ» ана шундай янги ва фойдали корхоналарга доир хабарларни тартибга келтириш учун ташкил қилинди. «Чорраҳа»мизга эса илк хабарлар карвони ҳам тезда етиб келди. Мана улар:

БУХОРО:

Гиждувондаги йигирув-туқув фабрикасида сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун янги марказдаги йигирув ва туқув дастгоҳлари ўрнатилди. Натижада жаҳон андозаларига мос келадиган газлама ва калавалар ишлаб чиқарилмоқда. Унинг маҳсулотлари Тошкентдаги «Малика», Самарқанддаги «Бофанда», Бухородаги «Трикотаж» фабрикаларига етказиб берилаяпти.

...

Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти олимлари томонидан пойафзал ишлаб чиқаришда қўлланиладиган елимнинг янги тури яратилди.

Янги елимнинг мавжудларидан афзаллик томони шундаки, у узоқ-вақтгача ўз хусусиятини сақлаб туради. Бу ихтиро институт ҳузуридаги «Технолог» кичик корхонасида синовдан ўтказилиб, аъло баҳо олди. Энди пойабзалларимизнинг тагчарми ҳадеганда кучиб кетавермаса керак.

ФАРҒОНА:

Зарур кимёвий хом-ашелар

тақчиллиги туфайли анчадан бери имкониятлари даражасида ишлай олмаётган Қўқон суперфосфат заводи яна тула қувват билан иш бошлади.

Ўзбекистон Фанлар академияси олимлари томонидан тавсия этилган маҳаллий хомашёдан қисқа вақт ичида 28000 тонна қимматбаҳо суперфосфатли ўғит ишлаб чиқарилди. Олимлар ва иқтисодчиларимизнинг ҳамкорлиги қандай яхши!

Чимбой ёғ заводини қайта таъмирлаш учун 10 миллион АҚШ доллари ҳисобида маблағ сарфланди. Ҳиндистонлик ҳамкорлар ёрдамида тез фурсатда завод замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Энди Чимбойда зарур озиқ-овқат маҳсулоти — усимлик ёғи, шунингдек, чорва озуқаси бўлган — кунжара мул бўлади. Ҳинду ўзбек бҳай-бҳай, деб шунга айтадилар-да!

НАВОИЙ:

Қизилқум фосфорит комбинати қурилиши республикамызда амалга оширилаётган энг йирик лойиҳалардан бири ҳисобланади. Бу йирик саноат иншооти қурилишида Зарафшон қурилиш-монтаж бошқармаси қурувчилари асосий ишни бажаришмоқда. Агар, ушбу иншоотнинг биринчи навбати ишга туширилса, йилига ўч юз минг тонна маъданли ўғит ишлаб чиқариш имконияти пайдо бўлади. Аммо бу ҳали хамир учидан патир, холос. Комбинатнинг лойиҳадаги умумий қуввати йилига 5 миллион тонна-ни ташкил қилади!

«Чорраҳа» навбатчиси
ОЛЛОЁР.

Воқеа

Хорижга йўл

Қанақа Юлдуз, — дейсизми? Олдий, бўйлари узунгина қиз. Кузлари кулиб туради. У Тошкент шаҳридаги 84-мактабнинг 9-синфида ўқийди.

Мен уни уйига қўнғироқ қилганимда, трубкани Юлдузнинг аяси Дилором опа кутарди. Юлдуз мактабдан келиб, математикадан мустақил машғулотга кетган

дуз» деб ёздим-да, Л нинг тагига чизиб қўйдим. Шундан кейин турри айтишадиган бўлишди.

— Алекс билан Накали ҳам бир-бирлари билан уришишадими?

— Ҳечам кўрмадим. уларнинг уришишлари тугул, қаттиқроқ гаплашганларини ҳам эшитмадим. Акаси нима деса, синглиси унинг гапига кулоқ солади.

— Улар билан баҳслашиш қи-

Ҳаммамиз уша магазинга ошиқдик.

— Бу қушиқ сизга ёқадими, — сурадик сотувчидан.

— Бу узбекистонлик Юлдуз Усмонова, — жавоб берди у.

— Сизда бошқа қушқлари ҳам борми, — деган саволимизга, барча қушқлар дискасини топиб бериши мумкинлигини айтди.

Биз Ўзбекистонданмиз, — дейи-

«МОНА ЮЛДУЗУ» ТА ЮЛДУЗ ЖЕЛДУ...

экан. Мен бу хушфёъл аёлга Юлдуз билан учрашим, Англия таассуротлари ҳақида урқоқлашим зарурлигини айтдим.

— Яхписи, узи билан гаплашинг, — дедилар опа. — Вақти қачон бўлишига қараб, келишиб оласизлар. Соат 5 яримда уйда бўлади.

Опа билан хайрлашиб, трубкани жойига қўйдим.

Соат 20 минут кам 18. Симлар мени Юлдузнинг уйига чорлади. Трубкани Юлдуз кутарди. Биз узоқ гаплашмадик. Мен уни «Тонг юлдузи»га таклиф қилдим. Мақсадим, бу суҳбатни сиз болажонларга ҳам етказиш эди.

— Биз учган самолёт етти соат деганда Англияга кириб келди. Самолётда 90 ўқувчи бўлиб, бир-биримизни танитмас эдик. Лекин, мана шу утган 30 кун бир-биримизни абадий боғлаганга ухшайди.

— Юлдуз, сизга кўпроқ нима-лар ёқди?

— Уларни бизга бўлган эътиборлари. Ва мен танишган оила-дагиларнинг бир-бирларига бўлган муносабатлари.

— Қайси оила ҳақида гапиряпсиз?

— Биз Англиядаги хонадонлар билан ҳам яқиндан танишиш мақсадида оилаларга бўлидик. Уша мен турган оиланинг Алекс ва Накали исмли фарзандлари бўлиб, улар жуда ҳам аҳил яшашар экан. Ота-оналари, бир қарасанг, ерда болалар билан думалашиб уйнасалар, бир қарасанг, катта одамлар билан гаплашгандек гаплашиб утирадилар. Ҳалигина ерда думалашадиганларига ишонмай кетсан. Алекс билан Накали мени «Юлдуз» деб қақаришарди.

Бир кун битта вараққа «Юл-

зиқарли бўлса керак?

— Жудаям. ҳеч бир нарса уларнинг назаридан четда қолмайди. Биринчи келган кунимиз мендан:

— Қаердан келгансиз? — деб суради Алекс.

— Ўзбекистондан, — дедим.

— Ўзбекистон... Қаерда у? — қизикди Алекс. Мен ажабландим. Наҳотки билмасам? Ўзбекистон территорияси жиҳатидан Англиядан катта-ку! Географияни билмайсизми, — десам Алекс уялиб кетди. Ва Ўзбекистон ҳақида гапириб беришимни илтимос қилди. Мен Ўзбекистоннинг мустақил бўлганига 5 йил бўлганини, ҳеч қайси мамлакат бунчалик тез ривожланмаганини, юртимизнинг бутуни ва эртаси ҳақида гапириб бердим. У менга Ўзбекистонни қуриш истаги бўлганини ва келажакда албатта Тошкентга келишини айтди.

— Сизларга ўқидан ташқари яна қандай имкониятлар яратиб беришди?

— Борган кунимизнинг 3-куни бизни Францияга олиб боришди. Жудаям гузал мамлакат экан. Фақат французчани билмаганимиз алам қилди. У ерда қўлимизга французча—русча лугат беришди. Биз метрони томоша қилиб юриб, адашиб қолдик. Ушанда ҳам бизга китоб қўл келди. Францияда кечган уч кунимиз жуда ҳам қизиқарли ўтди. Бундан ташқари Лондон шаҳридаги барча уйингоҳлару спорт майдончалари бизнинг хотирамизда абадий қўғон ясади. Бир кун дарсдан сўнг шаҳар магазинларини айланиб юриб, бир магазиндан Юлдуз Усмонованинг «Эй, оллоҳим» қушигини эшитиб қолдик. Бизни уша вақтдаги ҳолатимизни тасаввур қилиб қуриш-а?

шииз билан сотувчи урнидан туриб кетди. У Юлдуз Усмонова ва унинг оиласи билан қўпдан қизиқшини айтди ҳамда сеvimли қушқимизга оид қўпда саволлар бериб ташлади...

— Юлдуз, туғриси айтинг, уйни соғиндингизми?

— Икки ҳафтагача ҳеч нарса билинмади. 3-ҳафта эса Тошкентга қайтим келди. Ота-онамни, укамни ва мактабимни соғиндим. Шу уйни соғиниб юрган кунларимизнинг бирида сумка олиш учун дўконга кирдик. Дўконда дўғонам билан узбекча гаплашаямиз. Бир пайт сотувчи биздан: Ўзбекистондансизлар, — деб инглизчалаб суради. У бизга Тошкентнинг Чилонзорда бўлганини, бу шаҳар узининг табиийлигию, одамларининг самимийлиги билан хотира-сида қолганини гапириб, олин-лар узимизникиларга сумкани беш фунт арзон бераман, — деди. Мен бу инглиз кишининг Ўзбекистонда неча ой бўлганини сурамабману. Унинг узимизникиларга, — дея гапиргани жудаям ёқимли эди.

Биз Юлдуз билан узоқ суҳбат қурдик. У билан гаплашиш жудаям мароқли эди. Кимга ухшагингиз келади, — деган саволга — Узимга, дея жавоб берган бу қиз ҳақиқатдан ҳам бошқаларга ухшамас эди. Юлдуз билан суҳбатни давом эттиргимиз бор. Кейинги учрашувга у укаси Каримни ҳам олиб келмоқчи. Улар Сурия, Туркия сафарларига бирга боришган.

Азиз ўқувчилар, суҳбатни ўқиб, сизда ҳам бирор савол туғилган бўлиши мумкин. Марҳамат, Юлдуз Сиз билан «Тонг юлдузи»да учрашади.



КИЧКИНА АРТУРЛАРМИЗ

Синфхонамиз деразасидан спорт майдончаси қўриниб турарди. майдончада футбол, волейбол, баскетбол, теннис уйнаётган ака-опаларимизга қараб ҳавасимиз келиб утирардик. Тезроқ катта бўлиб қолгимиз келарди. Биз 30 ўқувчининг ҳаёли коптокларга айланарди, гўё. Танаффус бўлиши билан майдончага чопардик. Бизларни четга чиқаришга ундашларига қарамай копток орқасидан чопаверардик. Жисмоний тарбия дарсини ҳамма бирдек яхши қўрарди. Бу фан кошонасида аълочи ва иккичилар танланмасди. Кучли ва кучсизлар билиниб қоларди. Ҳаммамиз бирдек кучли бўлишга ҳаракат қилардик. Менимча ҳали ҳам спорт майдончалари гавжум, ҳали ҳам болаларнинг ҳайқир-қирлари, шовқин-суронларига тула. Коптоқлар ҳавода муаллақ сузалди. Бу юртимиз осойишталигидан, кўнгилларимиз хотир-жамлигидан далолатдир.

Кечагина Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов туманидаги 476-болалар боғчасида спорт байрами бўлиб ўтди.

Болажонлар спорт байрамини Ватан ҳақида қўйланган қушиқларга ма-

шқлар бажариш билан бошлаб бердилар. Болаларнинг жисмонан соғлом бўлиб етишувларида жисмоний тарбия му-

Соғ юрак — тоғ юрак

раббийлари Галина Сергеевнанинг хизматлари катта. Бу тиниб-тинчимас аёлнинг елиб-югуришлари ҳавога кетмаётгани болажонларнинг пишиқ, ҳар томонлама пухта бажарётган машқларидан қўриниб турибди. Айниқса болалар қўлларига боксёрлар киядиган қўлқоп ўрнига чарм тушлар олиб боксёрча ҳаракатлар қилганла-




Табиат инсондан уз бойликларидан туғри фойдаланишни, унинг гузалликларини борица авайлаб асрашни талаб қилади. Шу сабаб диеримизда экологик муҳитни яхшилаш масалаларига бағишланган бир қанча тadbирлар, илмий анжуманлар бўлиб ўтмоқда. Шундай тadbирлардан бири Мирзо Улуғбек туманидаги 41-мактабда «Экология ва саломатлик» мавзусида ўтказилди. Йиғилишда туман

ЭКОЛОГИЯ ВА САЛОМАТЛИК ЁНМА-ЁН

мактабларидан география ўқитувчилари, «Экосан» жамғармасидан меҳмонлар ишгирок этиб, экологиянинг инсон саломатлиги билан чамбарчас боғлиқлиги туғрисида гапирдилар. Халқ таълими бўлимининг услубчиси М. Алимова туман мактабларида экологик тарбиянинг олиб борилиши ҳақида сузлаб берди. Йиғилиш ниҳоясида мактаб ўқувчиларини табиатни асрашга бағишлаб тайёрлаган кичик сахна ва «Табиат ўқувчилар нигоҳида» мавзусидаги расмлар кўрғазмаси йиғилганлар эътиборига ҳавола этилди. Анжуман сўнггида «Экосан» жамғармасининг вакили Н. Ибрагимова шундай долзарб мавзула тadbир уюштирган мактаб жамоасига миннатдорчилик билдириб, жамғарманинг эсдалик совғаларини топширди.

Нилуфар САМИГОВА,
Мирзо Улуғбек
туманидаги 49-ўрта
мактабнинг 11-«А» синф
ўқувчиси.



рх уриб учаётган қушларгача, варраклардан тортиб самолётларгача тушларида қуриб чиқади. Ва осмонларда учиб кетаётгандек ҳис қилади узини. У даси, синглиси ва боғча опалари Наима Раҳимовна, Галина Алексеевна, Гулнора Файзиевна ва Галина Сергеевна (шунақа ургатишган) деган боғча опаларини яхши қўришини айтади. Улуғбек ҳарфларни ҳижжа-лаб ўқий оларкан...

— Улуғбек, «Тонг юлдузи» оласизларми?

— Опам мактабдан обкелиб, синглим иккимизга ўқиб берадилар.

Улуғбекнинг қўзларига учқун қўринди. Сездим, ниманидир сурамоқчи.

— Нега «Тонг юлдузи»?

Улуғбек ийманибгина жилаяди.

— Юлдуз тунда бўлади-ку...

— Улуғбек. Ҳали катта бўлганингда, фазогир бўлиб фазони кучганингда қурасан... Осмон тонгда жудаям чиройли, тонги юлдузлар эса кичкина бўлса ҳам жудаям ёруғ қўринади. Бу тонгнинг кичкина юлдузчалари юлдузлар қўлида. Бу қўллар эса Сизнинг қўлингиз... Сизнинг жавоҳирингиздир. Хосият РУСТАМОВА.

ДИҚҚАТ!

ДИҚҚАТ!

КУЛГИСЕВАРЛАР КЛУБИ


Эшитмадим деманглар, огоҳ бўлинглар
Кулгисевар болажонларнинг истак ва ил-
тимосларини инobatга олиб, шу бугундан
этиборан газетамизда «Кулгисеварлар
клуби» бошлади.

Машгулотлар давомида сиз куйидаги
мавзулар билан танишасиз;

- «Кулги нима?»,
- «Ҳазил ҳисси ҳақида беҳазил
баҳс»,
- «Қизиқчи булай
десангиз...
- «Биз — Хужа Насриддин
набираларимиз»,
- «Кулги одоби билан»,
- «Аския — қаҳқаҳанинг
гули» деганга ухшаш махсус
машқ сабоқлар

Шунингдек,
• Ханда;
• Табассум,
• Қаҳқаҳа,
• Илжайиш,
• Тиржайиш,
• Хо-хо-хо,
• Хи-хи-хи каби кулгининг тур-
лари, шакллари, мазмун ва
маънолари хусусида баҳслар ва
давра суҳбатлари ўтказиб бо-
риш мўлжалланган.

Машгулотларни ҳаётга бог-
ланган ҳолда олиб бориш мақ-
садида:



- «Муштум»
- «Табассум устахонаси»
- «Мутойиба»,
- «Шум бола

- чойхонаси»,
- «Хурозқанд»
- каби бир қанча «Кулги
корхоналари»га сиртки

саёхатлар уюштириш кўзда
тутилган.

Шундай қилиб, завқу шавқ
ишқибозларига ҳушчақчақлик
шайдоларига, қизиқчиликка
қизиққан ўртоқларга, ҳуллас,
кулиш-кулдиришни ёқтирув-
чиларга ёрдам тариқасида
бошланган дарс-машгулотла-
римизга марҳабо, дўстлар!

Машгулотлар номи билан
танишиб, сизда фикр ва му-
лоҳазалар туғилган бўлса, биз-
га ёзиб юборинг.

Машгулотларни олиб бо-
рувчи «Кулгисеварлар клу-
би»нинг мудири Тўлан Табас-
сум ёзганларингизга албатта
этибор билан қарайди ва
фойдаланади.

Демак, 1-машгулотимизни
кутинг.



Боши ўтган сонда

Биз ўлик қалдирғочни бир-би-
римизга отқилаб ўйнаганча уйга
қайтаётган эдик, эшак минган
бир мўйсифид ёнгинамиздан ўтиб
қолди. У Қодирнинг қўлидаги ўлик
қалдирғочга кўзи тушди, тў-
сатдан тўхтади-да, бошини са-
рак-сарак қилганча сўз қотди:

— Гуноҳга қолибсан-ку, бо-
лам, — деди мўйсифид Қодирга
қандайдир норози қиёфада ти-
килиб. — Қалдирғочни ўлдир-
майдилар. Гуноҳи азим бўлади.
Эҳ, афсус, энди полапонларин-
нинг қарғишига қоладиган бўл-
динг.

Бироқ унинг гапларига ҳеч
қайсимиз парво қилмасдан, ўлик
қалдирғочнинг қанотларини
ёзиб томоша қила бошладик.

Шу пайт яқин ўртадан Ака-
жон деган қичқирқ қуло-
ғимга чалинди. Биз дарҳол
ўрнимиздан туриб, овоз кел-
ган томонга қарадик, югу-
риб келаётган Қодирнинг син-
глиси Мукаррам экан. Биз
хангу манг бўлганимизча
жойимизда қотиб турардик.
У ҳали бизга етиб келмасдан
туриб: «Акажон, аямлар ўлиб
қолди» дея қичқирди. Даст-
лаб ҳеч нарсага тушунма-
гандек анграйиб турдик. Бир
пайт кўкқисдан Қодир ҳам
«Ойижон!» деб бақириб
юборгандагина ўзимизга кел-
дик. У қалдирғочни шу ерга
ташлади-ю, уйи томон югур-
ди. Аммо биз унинг ортидан
боролмадик, очиги, қалдир-
ғочни ташлаб кетолмасдик.
Ахир у энди бизники эди!..

...Мен ўн кунлар чамаси
Қодирни кўрмадим. У мак-
табга ҳам бормасди. Аксига
олиб, уйларига ўтиб ҳам кў-
ролмадим. Ўн биринчи ёхуд
ўн иккинчи кун менда қол-
ган чўзмасини бериб қўйга-
ни уйларига бордим. Қодир
бошига дўппи, эгнига тўн
кийиб, бошини куйи эггани-
ча, хомушгина сўрида ўти-
рибди. Бориб саломлашиб,
ҳол-аҳвол сўрадим. У энди
аввалги Қодирга ҳечам ўх-

шамас, назаримда шу ўн кун
ичида жуда улғайиб қолгандек
эди. Мен чўнтагимдан чўзгани
чиқариб, ёнига қўйдим. У ҳатто
чўзмага қайрилиб ҳам қарама-
ди. Биз анча вақтгача жимгина
ўтиравердик. Кейин қаердандир
Мукаррамни етаклаб Каримжон
амаки келиб қолди. Қўл узатиб
саломлашдик. У киши ҳам жуда
хомуш эди. Фақат Мукаррам бо-
лалигига борибми, бу оғир жу-
доликни унчалик сездирмасди.
Орага оғир сукунат чўкди. Мен
бундан хижолатланиб, нима қи-
ларимни билмай ўтиргандим,
беихтиёр кўзим шипдаги қал-
дирғоч инига тушиб қолди. По-
лапонлар чуғурлашиб ётарди:
Орадаги сукунатни бузиш учун
Каримжон амакига чайналиб-
гина савол бердим:

— Амаки, полапонлар энди
неча кунда учинади?

У киши саволимни эшитгач,
секин бошини кўтариб, пола-
понларга қаради. Кейин:

— Беш-олти кунларда учиб
қолса ажабмас, — деди вазмин-
лик билан ва яна нимадир де-
моқчи бўлганди, Мукаррам ўр-
тага гап қўшди:

— Қалдирғочларимизнинг
онаси ўлиб қолган. Анчадан бе-
ри келмаяпти.

— Бу сўзларни эшитаркан-
ман, «нега» деб савол берга-

нимни ўзим ҳам сезмай қолдим.
— Ўша. Ҳадича холанг вафот
этган кундан бери келмаётир,
кузатиб юрибман, — деди менга
жавобан Каримжон амаки. —
Ўйинқароқ болалар ўлдириб
қўйибди шекилли.

Мен бу гапларни эшитишим
биланоқ Қодирга қарадим. У эса
ҳамон бошини эгиб ўтирар, аф-
тидан гапимизга этибор бер-
масди.

— Ҳа, бу хонадон бошига
оғир кулфат тушди, бир кунда
икки онадан айрилди, — деди
яна Каримжон амаки. — Мени-
нг фарзандларим ҳам, полапон-
лар ҳам бир кунда онасиз қолди.
Нимаям қилардик? Энди бола-
ларини ота қалдирғоч боқадим!
Каримжон ака бошқа гапир-
мади. Назаримда, у гўё она қал-
дирғочнинг фожиали ўлимидан
хабардор эди.

Ўша йили Каримжон амаки айт-
гандек, полапонлар 5-6 кунда учиб
кепишди. Бироқ келаси йили улар ўз
очуларига қайтиб келишмади. Мен
ҳар гал кўкламда қишлоққа борман
ва албатта, Қодирларнинг уйига ҳам
кириб ўтаман. Биринчи галда қалди-
рғочлар тарк этган ўша уячага қи-
райман. Лекин негадир ҳанузгача уяга
ўз эгалари қайтишмаган. Уяча бўм-
бўш. Негадир қалдирғочлар қайтиш-
маяпти.

Олимжон ЎСАР

Азиз уқувчилар! Дилда
туғён тошадиган бу мусаффо
кунлар ҳар сония шеърини
кайфият бахш этади. Атроф-
га боқинг: Яшиллик, жозибба.
Уқиб кўринг-а, муаллимлари-
миз шеърларида ҳам шу ман-
заралар уз аксини топган.

БАҲОРИМ

Баҳор келди, кулиб ноз билан,
Турфа гуллар, қулда соз билан,
Бизлар кутдик зўр эъзоз билан,
Кувончимсан, гузал Баҳорим!

Қушиқларим айласин парвоз,
Ташбехларим тушган оқ қоғоз,
Мадҳинг куйлай, қулга олиб соз,
Илҳомимсан, наққош Баҳорим!

Уриқларинг гулласин, улкам,
Олам ичра ўзингсан олам,
Жаннатлардан бебаҳо, кўркам —
Богбонимсан, гузал Баҳорим!

Номинг нафис гўё келинчақ,
Бахтдир узин, васлингга етмак,
Замин булди гўё бир гул-чечак,
Хуш келибсан, гузал Баҳорим!

УСТОЗНИ
ЭСЛАБ

Деразамнинг олдида
бир туп —
Урик оппоқ бўлиб
гуллади...
Ҳамид ОЛИМЖОН.

Шунда бирдан ҳаёлим ила,
Сиз-ла бирдан учрашдим устоз!
Қалбингизда нафис шеър бирла,
Келардингиз улкамга пешвоз...

Сиз куйлаган улка бу кунда
Олам бўйлаб қулочин ёзди,
Зие бўлиб бу кенг жаҳонга,
Мустақил юрт номини олди.

Боларилар урик гулига
Неча йилки булади асир.
Шеърининг олтин бобида,
Шеърлар билан қуради қаср.

Чор-атрофлар уранар гулга,
Урик гули мисли малика.
Қуеш чулгар заминни гулга,
Олам бунча бокира, кўркам.
Деразамнинг олдида бир туп,
Урик оппоқ бўлиб гуллади...

Рамазон БАҚОЕВ
Бухоро вилояти,
Ғиждувон туманидаги
7-умумтаълим мактаб
муаллими.

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ МАТБУОТ КҮМИТАСИ

Бош муҳаррир Умида АБДУАЗИМОВА

Таҳрир ҳайъати:

Муртазо СУЛТОНОВ, Жаббор РАЗЗОҚОВ, Гулнора
ЙҮЛДОШЕВА, Шермат ЁРМАТОВ, Хотам АБДУ-
РАИМОВ, Муқимжон КИРФИЗБОВ, Дадахон
ЁҚУБОВ, Исфандиёр ЛАТИПОВ, Юсуф
ШОДИМЕТОВ, Феруза ОДИЛОВА.

IBM компютерида терилди ва
саҳифаланди. Офсет усулида
босилди. Ҳажми 1 босма табоқ
Буюртма — Г-0296.
11960 нускада босилди.
Қоғоз бичими — А-3.
Босишга топшириш вақти 19.00
Топширилди — 18.30

- Рўйхатдан ўтиш тартиби
№ 000137
- Мавзилимиз: 700083,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси,
32-уй.
- Намр кўрсаткичи: № 64563
- Телефон:
33-44-25